



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 8 » may

№ 291

Toshkent sh.

Қорақалпоғистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қорақалпоғистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини ҳамда маданий туризмни ривожлантириш, миллий қадрият ва анъаналарни кенг тарғиб этишга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **2021–2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш;

музейлар, театрлар ва ижодий жамоалар фаолиятини янада ривожлантириш;

маданият марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

“Қорақалпоқфильм” киностудияси моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ривожлантириш;

маданий-маърифий, тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги муассислигида **“Қорақалпоғистон санъат саройи” давлат муассасаси** (кейинги ўринларда – Санъат саройи) ташкил этилсин ва **қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

ўзбек, қорақалпоқ ва жаҳон мумтоз санъати анъаналарини, театр, муסיқа, рақс ва миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва тарғиб қилиш;

ўзбек ва қорақалпоқ халқининг бой маънавий меросини тараннум этувчи, миллий ва умумбашарий қадриятларни улуғловчи ёрқин саҳна асарларини намоиш этиш орқали аҳолининг кенг қатламларини санъат усталари ва истеъдодли ёш ижрочилари ижодидан баҳраманд этиш;

халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш, уларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи ранг-баранг ижодий дастурлар орқали ёшларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш;

давлат аҳамиятига молик муҳим тадбирлар, халқаро фестиваллар, кўрик-танловлар, конференциялар ва ижтимоий-маданий анжуманлар ўтказиш.

3. “Қорақалпоғистон санъат саройи” давлат муассасасининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирига, зарурат бўлганда, Санъат саройи тузилмасига ходимларнинг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қуйидагилар Санъат саройи фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

Маданият вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан тушадиган маблағлар;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда Санъат саройига Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан маблағлар унинг харажатларининг ўз даромадлари билан қопланмаган қисми учун ажратилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг:

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг маданият ва санъат муассасаларига оилавий келишини ҳамда мароқли ва мазмунли дам олишларини ташкил этиш мақсадида **“Шанба – маданият куни”** лойиҳасини амалга ошириш;

Қорақалпоғистон Республикасининг ўзига хос урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, бахши, жиров, дostonчилик, рақс, амалий санъат ва миллий хунармандчилигини аҳоли, айниқса, ёш авлодга кенг тарғиб этишга қаратилган **“Қорақалпоқ маданият кунлари”** байрам тадбирларини мунтазам ўтказиш;

санъатнинг опера ижрочилиги бўйича ёш авлод истеъдодини эрта аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича 2021 йилдан бошлаб, анъанавий тарзда ҳар икки йилда бир марта **“Ёшлик баҳори”** ёш опера ижрочилари танловини ташкил этиш;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, Қорақалпоғистон Республикасидаги барча таълим муассасаларида мумтоз санъатимизнинг дурдона асарларидан баҳраманд қилиш орқали ўқувчи-ёшларнинг миллий маданий савиясини ошириш мақсадида дарс соатларидан бўш (танаффус) вақтларда **“Муסיқий танаффус”** лойиҳасини амалга ошириш;

Санъат саройига ўзининг асосий фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланган тарифларга мувофиқ пулли хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

бир ой муддатда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, Санъат саройининг штатлар жадвалини тасдиқласин ҳамда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартларини белгиласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда Санъат саройига Нукус шаҳри, Аллаёр Дўстназаров кўчаси, 103а-уй манзилидаги бинони текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилишини таъминласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши:

Санъат саройи биносига туташ ҳудуддан ер майдони ажратиш ҳамда **машғулот зали ва кўшимча хизмат хоналаридан иборат бино қуриш ва жиҳозлаш** учун Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг кўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан маблағ ажратиш;

2021 йилда Санъат саройининг **моддий-техник базасини мустаҳкамлаш**, уни зарур махсус асбоб-ускуналар ҳамда хавфсизликни таъминловчи техник воситалар билан жиҳозлаш;

2023 йилда буюк олим **Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллик юбилейини халқаро миқёсда кенг нишонлашга** барвақт тайёргарлик кўриш мақсадида 2021–2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг кўшимча манбалари, давлат-хусусий шериклик ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳисобидан Беруний туманида Абу Райҳон Беруний номидаги маданият ва истироҳат боғини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги билан биргаликда 2022–2023 йилларда **“Қорақалпоқфильм” киностудияси биносини реконструкция қилиш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш**, йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда замонавий инновацион технологиялар билан таъминлаш;

Қорақалпоғистон опера ва балет театрини ташкил этиш мақсадида Нукус шаҳрида зарур ер майдони ажратиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг кўшимча манбалари ҳисобидан 2021 йилда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, шунингдек, ушбу театр учун бино қуришни 2022 йил ҳамда кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритиш юзасидан таклифларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этиш;

ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағлар ажратиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига таклифлар киритиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021–2023 йилларда Режаб Халифа масжид-мақбараси, Ишан қалъа меъморий объекти, Чилпиқ қўрғони, Катта Гулдурсин қалъа ва Тупроққалъа археологик ёдгорликларини асрашга доир ишлар учун Туризм ва спорт вазирлигига маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш ишлари учун республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ва Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағлар ажратиш чораларини кўрсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда **икки ой** муддатда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергенов туғилиб ўсган ва ижод қилган хонадонда адибнинг уй-музейини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тегишли Хукумат қарори лойиҳасини киритсин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига Қорақалпоғистон Республикаси маданияти ва санъати соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва эришилаётган натижалар ҳақида мунтазам равишда кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этиш ҳамда мазкур қарорда белгиланган тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазири А.А. Абдухакимов, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири О.А. Назарбеков ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р. Сариев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**2021–2024 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш мuddатлари	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Таълим муассасалари, шу жумладан, Опера санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолияти самарадорлигини ошириш				
1.	Опера санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, истисно тарқасида, мазкур муассасалар учун белгиланган намунавий штатлар доирасида “Бадий раҳбар” штат бирлигини киритиш.	2021 йил июнь	–	Маданият вазирлиги
2.	Нукус ва Эллиққалъа ихтисослаштирилган маданият ва санъат мактаблари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларини эҳтиёждан келиб чиқиб, мусиқа чолғу асбоблари билан таъминлаш.	2021 йил июнь	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Маданият вазирлиги
3.	Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиалида таҳсил олаётган талаба қизлар учун келажакда уларни қўшимча иш билан таъминлаш мақсадида Филиал ҳузурида “Чевар қўллар” марказини ташкил қилиш.	2021 йил июнь	Филиалнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
4.	Қорақалпоғистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергенов ҳамда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов номидаги давлат стипендияларини таъсис этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тегишли Ҳукумат қарори лойиҳасини киритиш.	2021 йил июнь	–	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

5.	Опера санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг фаолиятини янада яхшилаш, шунингдек, опера санъати ривожланган хорижий давлатларнинг (Италия, Россия, Германия ва бошқалар) таълим дастурлари тажрибасини ўрганиш асосида хорижий мамлакатлардаги таълим муассасалари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш.	2021 йилдан бошлаб мунтазам	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
6.	Ўзбекистон давлат консерваторияси ва опера санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ўқув дастурларининг ўзаро интеграциясини таъминлаш.	2021/2022 ўқув йилидан бошлаб	–	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
7.	Опера санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатни опера санъати йўналиши бўйича таянч профессионал таълим муассасаси сифатида белгилаш ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари билан интеграциясини йўлга қўйиш.	2021/2022 ўқув йилидан бошлаб	–	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
8.	Ёш иқтидорли опера хонандаларининг санъатини кенг тарғиб этишда хорижий давлатлар билан ижодий тажриба алмашиш мақсадида уларни хизмат сафарларига юбориш ҳамда уларнинг халқаро миқёсдаги илмий анжуманларда иштирокини таъминлаш.	2021/2022 ўқув йилидан бошлаб	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
9.	Нукус ва Эллиққалъа ихтисослаштирилган маданият ва санъат мактабларининг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш.	2021–2022 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
II. Музейлар, театрлар ва ижодий жамоалар фаолиятини янада ривожлантириш				
10.	Ҳар бир туман (шаҳар)лар марказий кўчаларида театр репертуарларини махсус реклама лавҳалари ва паннолар, баннерлар ўрнатиш учун махсус жой ажратиш ва уларни давлат-хусусий шериклик асосида ўрнатиш.	2021 йил август	Давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилинадиган маблағлар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, туман (шаҳар) ҳокимликлари
11.	Қорақалпоғистон Республикаси И.В.Савицкий номидаги давлат санъат музейи ҳудудида И.В.Савицкийнинг ҳайкалинини ўрнатиш, қабристонни ободонлаштириш ҳамда зиёратгоҳ масканига айлантириш.	2021–2022 йиллар	Маҳаллий бюджет ва ҳомийлик маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Туризм ва спорт вазирлиги, Бадий академия

12.	Қорақалпоғистон Республикаси И.В.Савицкий номидаги санъат давлат музейи илмий ходимларини Москва шаҳридаги А.С.Пушкин номидаги Давлат тасвирий санъат музейида малака оширишини ташкил этиш.	2021–2022 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари, музейнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Туризм ва спорт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
13.	Театрлардаги спектаклларнинг бадиий савиясини ошириш, томошабинлар қамровини кенгайтириш, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида: давлат театрлари репертуарини мунтазам равишда янгилаб бориш, мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини тўлақонли очиб берувчи, замон қаҳрамони акс эттирилган камида 2 та янги спектаклни саҳналаштириш; Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда драматургларнинг ижодий ҳамкорлигини йўлга қўйиш; республика ва хорижий театрларнинг малакали актёрлари ва мутахассисларини Қорақалпоғистон Республикасига таклиф этган ҳолда мастер-класс, тренинг ва тажриба алмашиш; театрларда замонавий ёритиш ва мусиқали махсус эффектларни қўллаган ҳолда, сифат жиҳатдан бутунлай янги инновацион спектаклларни яратиш.	2021–2022 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари, театрларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ташқи ишлар вазирлиги
14.	Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Т.Қаипбергенов дафн этилган қабристон ҳудудини ободонлаштириш ҳамда зиёратгоҳ масканига айлантириш.	2021–2022 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
15.	Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри симфоник оркестри учун 18 дона ёғоч дампли чолғулар, 25 дона скрипка, 5 дона альт, 6 дона виолончель, 4 дона контрабас, 2 дона литабра, 2 дона арфа ва 2 дона зарбли мусиқа чолғу асбобларини харид қилиш.	2022 йил июнь	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари, театрнинг бюджетдан ташқари маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

16.	Театрлар ижодкорлари ва техник ходимларининг малакасини ошириш ва тажриба алмашишни йўлга қўйиш мақсадида Қорақалпоғистондаги театрлар ва Россия театрлари ўртасида ҳамкорлик меморандумларини тузиш бўйича амалий чораларни кўриш.	2022 йил сентябрь	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари, театрларнинг бюджетдан ташқари маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ташқи ишлар вазирлиги
17.	Театрлар спектаклларининг бадиий савиясини ошириш мақсадида Қорақалпоғистондаги театрларда хорижий давлатларнинг етакчи театрлари билан ҳамкорликда опера, балет, драма ва кўғирчоқ йўналишларида спектаклларни яратиш ва намойиш этиш.	2022 йил сентябрь	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари, театрларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ташқи ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
18.	Аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этувчи бадиий-ғоявий баркамол саҳна асарлари яратиш мақсадида: Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида О.Султановнинг “Ватан тупроғи” ва Т.Қаипбергеновнинг “Қорақалпоқ қизи” саҳна асари; Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрида М.Бехбудийнинг “Падарқуш” саҳна асари; Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театрида М.Бегимовнинг “Янги Мўйноқ” саҳна асарини давлат буюртмаси асосида саҳналаштириш.	2022 йил сентябрь	Қорақалпоғистон Республикаси бюджет маблағлари, театрларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
19.	Ўзбекистон давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимни овоз ёзиш студияси билан таъминлаш.	2022 йил сентябрь	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси
20.	“Айқулаш” қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамблини олий тоифа гуруҳига, Ўзбекистон давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимни биринчи тоифа гуруҳига ўтказиш.	2022 йил сентябрь	–	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
21.	“Айқулаш” қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамблининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва гастроль сафарлари учун замонавий автобус ҳамда енгил хизмат автотранспорт воситаси билан таъминлаш.	2022 йил сентябрь	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

22.	Маданият ва санъат муассасаларига ёш кадрларни жалб этиш мақсадида Нукус шаҳрида кўп қаватли ижодкорлар уйини куриш.	2022–2023 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг кўшимча манбалари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Маданият вазирлиги
23.	Театрларнинг репертуарлари, спектакллари намоиши, премьералари, гастроллари, театр санъати билан боғлиқ роликлари ва бошқа тадбирларини кенг ёритиш, реклама қилиш, шунингдек, телеканалларда театрлар репертуари тўғрисида алоҳида ҳафталик анонсларни намоиш этиб бориш учун махсус эфир вақтларини ажратиш.	2021–2024 йиллар	–	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Маданият вазирлиги
III. Маданият марказларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш				
24.	Беруний тумани маданият марказининг “Беруний авлодлари” дорбозлик гуруҳини автобус, овоз кучайтириш ускунаси, либослар, реквизитлар ҳамда дор ва дор ости анжомлари билан таъминлаш.	2021 йил сентябрь	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг кўшимча манбалари ва ҳомийлик ҳайриялари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
25.	Нукус шаҳрида кўчма цирк (шапито) ташкил этиш.	2021 йил сентябрь	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг кўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик ҳайриялари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги
26.	Маданий-оммавий тадбирларни сифатли ўтказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида янги куриладиган маданият марказларини мусиқа чолғу асбоблари ҳамда сахна либослари билан таъминлаш.	2021–2023 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг кўшимча манбалари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари
27.	Қорақалпоғистон Республикасидаги 9 та маданият марказини реконструкция қилиш ва 10 тасини капитал таъмирлаш.	2021–2023 йиллар	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ажратиладиган маблағлар, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджет ва маҳаллий бюджет маблағлари	Маданият вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
28.	Маданият марказларида фаолият юритаётган тўғарақларни зарур ўқув қўлланма ва тавсияномалар билан таъминлаш.	2022–2023 йиллар	Маданият марказларининг бюджетдан ташқари маблағлари, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига маблағлари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари

IV. “Қорақалпоқфильм” киностудиясининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ривожлантириш

29.	“Қорақалпоқфильм” киностудиясини 4 та видеокамера, 2 та монтаж столи, 1 та овоз ёзиш ҳамда замонавий жиҳозланган 1 та дубляж студияси билан таъминлаш.	2021–2022 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Кинематография агентлиги
30.	Қорақалпоқ миллий урф-одат ва анъаналарини ўзида мужассам этган мультипликацион ва тарихий (Қирқ қиз ва Едиге) ҳужжатли фильмларни яратиш.	2022 йил май	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Кинематография агентлиги
31.	Миллий кино маҳсулотларини сақлаш ва тарғиб қилиш учун “Қорақалпоқфильм” киностудияси базасида кино музейини, мультипликацион фильмлар студиясини ҳамда Ўзбекистон киносанъати музейи биносида “Қорақалпоқ киноси” кўргазма залини ташкил этиш.	2022 йил июнь	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Кинематография агентлиги
32.	“Қорақалпоқфильм” киностудиясининг йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш. Бунда ҳар йили 2 та бадиий фильм, 12 та ҳужжатли фильм, 2 та мультипликацион фильм, “Тулкишек” болалар ҳажвий киножурналларини яратиш.	2021–2023 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Кинематография агентлиги
33.	И.В.Савицкийнинг ижоди ва музейи ҳақида ҳужжатли фильм суратга олиш.	2021–2023 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Кинематография агентлиги
34.	Т.Қаипбергеновнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳужжатли фильм суратга олиш.	2021–2023 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Кинематография агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

V. Маданий-маърифий, тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш


35.	Бўзатов туманида “Республика ёшлар овози” фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш.	2021 йил май–июнь	Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ёшлар ишлари агентлиги
36.	Қорақалпоқ маданияти, санъати ва адабиёти билан Ўзбекистон халқини яқиндан таништириш мақсадида ўзбек тилида “Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари” кўп жилдли китоблар тўпламини нашр этиш.	2021 йил июнь	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг кўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик Хайриялари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
37.	Бўзатов туманида ижодкор ёшларнинг “Бўзатов оҳанглари” номли семинарини ўтказиш.	2021 йил июнь	Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
38.	Нукус шаҳрида Есжан бахши Косполатов ижодий мактабини яратиш ҳамда унинг ижодига бағишланган танловни Кегейли туманида ташкил этиш ва ўтказиш.	2021 йилдан бошлаб ҳар йили	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг кўшимча манбалари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Маданият вазирлиги
39.	Нукус шаҳрида миллий маданиятларимизнинг ўзаро уйғун ва ҳамжиҳатликда ривожланаётганини чуқур таҳлил қилиб беришга қаратилган “Ўзбек ва қорақалпоқ маданияти: муштарак мақсадлар ва ривожланиш истиқболлари” мавзусида Республика анжуманини ўтказиш.	2021 йил давомида	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг кўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Маданият вазирлиги
40.	Ибройим Юсупов номидаги хорижий тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг мамлакатимиздаги бошқа ижод мактаблари билан самарали ҳамкорлигини кучайтириш.	2021 йилдан бошлаб доимий	–	Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги
41.	Хунармандчилик фестивалини Нукус шаҳрида ўтказиш чораларини кўриш.	2022 йил давомида	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг кўшимча манбалари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, “Хунарманд” уюшмаси
42.	Амударё тумани “Чилпиқ” ёдгорлигида Республика “Болалар фольклор” фестивалини ташкил этиш.	2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг кўшимча манбалари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Туризм ва спорт вазирлиги

43.	Тўрткўл тумани О.Худайшукуров номидаги маданият марказида О.Худайшукуров ҳаёти ва ижодига бағишланган “Она диёр куйчиси” номли республика ёш ижрочилар кўрик-танловини ташкил этиш.	2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Маданият вазирлиги
44.	Ўзбекистон халқ бахшиси, Қорақалпоғистон халқ жирови Жумабай жиров Базаров хотирасига бағишлаб “Жировлар танлови”ни ўтказиш.	2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Маданият вазирлиги
45.	Чимбой туманида Республика оқин, жиров ва бахшилар иштирокида “Қур” фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш.	2023 йил март	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
46.	Элликқалъа туманида “Мақом ижрочилиги” кечасини ташкил этиш.	алоҳида режа асосида	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Элликқалъа ҳокимлиги
47.	Тахтакўпир туманида таниқли шоир ва қиссахон Аббаз Дабилонинг хотирасига бағишланган “Аббаз ҳаёзи-Қаратерен ырғақлари” кўрик-танловини ташкил этиш.	2023 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта	Ташкилотчилар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
48.	Қонликўл туманида СССР халқ артисти Айимхон Шамуратова хотирасига бағишлаб “Сахро булбули” номли республика кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш.	2024 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта	Ташкилотчилар маблағлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
49.	Қорақалпоғистон Республикаси ва унга яқин қўшни худудлар ўртасидаги маданий алоқалар тарихига оид илмий меросни ўрганиш, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва қўшни минтақа халқларининг ўзаро маданий алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш.	2022–2023 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари, театрларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Туризм ва спорт вазирлиги, Фанлар академияси
50.	Вилоятлар ва Тошкент шаҳрида режа асосида “Қорақалпоқ маданияти ва санъати кунлари”ни ўтказиб боришни йўлга қўйиш, бунда, концертлар, қорақалпоғистонлик адиб ва рассомлар, театр ва кино намояндалари, ҳайкалтарошлар, хунармандлар ва бошқа ижодкорларнинг бадиий кўргазмаларини мунтазам ташкил қилиш.	2021–2024 йиллар	Вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетининг қўшимча манбалари, Маданият вазирлигига ажратилган маблағлар	Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Маданият вазирлиги

51.	Қорақалпоқ маданияти ва санъатини дунё миқёсида кенг тарғиб этиш, қорақалпоқ ижодкорларининг халқаро танлов ва фестивалларда фаол иштирокини таъминлаш.	2021–2024 йиллар	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари, Маданият вазирлигига ажратилган маблағлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
52.	Мамлакатимиз миқёсида қорақалпоғистонлик атоқли санъаткорларнинг концерт дастурларини мунтазам ўтказиб бориш.	2021–2024 йиллар	Вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетининг қўшимча манбалари, Маданият вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида	Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Маданият вазирлиги
53.	Қорақалпоғистонлик атоқли маданият ва санъат, илм-фан намояндалари, шунингдек, машҳур асарлар, ансамбллар, маданий ташкилотлар билан боғлиқ юбилейларни мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлашга алоҳида аҳамият қаратиш.	2021–2024 йиллар	Маданият вазирлигига ажратилган маблағлар	Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
54.	Тошкент шаҳридаги ижтимоий объектлар ва кўчаларга қорақалпоғистонлик атоқли давлат ва жамоат арбоблари, маданият ва санъат, илм-фан намояндалари номларини беришни назарда тутиш.	2021–2024 йиллар	–	Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият вазирлиги
55.	Етакчи олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган қорақалпоқ ёшларининг салмоғини ошириш.	2021–2024 йиллар	–	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
56.	Қорақалпоғистон маданияти ва санъатини янада ривожлантириш ва кенг тарғиб-ташвиқ этишга оид тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш.	мунтазам равишда	–	Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “8” майдаги 291-сон қарорига
2-илова

“Қорақалпоғистон санъат саройи” давлат муассасасининг тузилмаси



Ходимларнинг умумий чекланган сони – 12 нафар.

*) *Техник ва ёрдамчи ходимлар сони белгиланган нормативларга мувофиқ аниқланади.*

